Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 26 апрель 1973 йил, пайшанба ◆ № 98 (15.572). ● Баҳоси 2 тийин.

Семён Михайловичга БУДЁННИЙГА

Қадрдон Семён Михайлович!

Сиз 90 ёшга кирган шонли кунда Сизни, революцион жангларнинг донги кетган ветеранини, халқ қаҳрамонини, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунларидаги жанговар ўртоғимизни юбилей ва юксак мукофот билан самимий табриклайман.

Азиз дўстимиз, Сизга чин кўнгилдан бардамлик ва узоқ йиллар бахтли умр тилайман.

Сизни қучиб.

Л. БРЕЖНЕВ.

1973 йил, 25 апрель.

• ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ

АПРЕЛЬ

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

ДЕҲҚОНОБОД. «Деҳқонобод» совхозининг бош чўпони, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Ленин ордени кавалери Рашид Жабборов қўзилатиш мавсумини якунлади. Отардаги 510 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 235 тадан — жами 1198 бош қўзи олинди. 510 қўзи насл учун қолдирилди. Шулардан 360 таси ургочи қўзилар. Қоракўл терининг 96 процента биринчи сортга топширилди. Шундай қилиб, беш йиллик план икки ярим йилда уддаланди.

Крупская номли колхоздан бош чўпон Сайкам Чоршанбоев, «1 Май» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамат Абдумуродов, шу колхознинг бош чўпони Эшқул Абдиев ўртоқлар ҳам ҳар 100 бош совлиқдан 200 тадан қўзи олиб, тўл кампаниясини муваффақиятли якунладилар.

Районда қўзилатиш давом этяпти.

Р. НАЗАРОВ.

●

НАМАНГАН. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқиш учун курашаётган район паррандабоқарлари давлатга 1 миллион 236 минг дона тухум топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Эришилган ғалабага Дзержинский номли, «Ленинград», Энгельс номли, Охунбобоев номли колхозлар катта ҳисса қўшдилар.

Паррандабоқарлар давлатга яна 447 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олдилар.

М. МИРЗААБДУЛЛАЕВ, З. УБАЙДУЛЛАЕВА.

МАТБУОТИМИЗ ВАЗИФАСИ

Беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда республикамиз партия ташкилотларига, хўжалик органлари ва меҳнат аҳлига маҳаллий матбуот органлари — область, шаҳар ва район газеталари кўрсатаётган ёрдам катта аҳамиятга молликдир. Газета муҳим хўжалик ва сиёсий кампанияларни ўтказишда актив иштирок этаркан, партия ташкилотларининг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, меҳнаткашларни хўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларида ижтимоий ва давлат ишларини бошқаришга кенг жалб этишда таъсирчан воситалардан бири сифатида майдонга чиқади. Дарҳақиқат, газеталар оммавий ахборот ва пропаганданинг бошқа воситалари сингари янги инсонни камол топтиришдан иборат катта ва мураккаб ишда партиянинг қудратли қуролидир.

Шу кеча-кундузда республикамизда 20 та область, 4 та автоном республика, 120 та район ва 11 та шаҳар газеталари, шунингдек саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртларида 70 га яқин кўп тиражли газеталар нашр этилмоқда. Уларнинг аксарияти халқимизнинг коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ҳиссаси ҳақида жозибали ҳикоя қилишга муваффақ бўлмоқда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун курашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, партия комитетлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига ишбилармонлик билан раҳбарлик қилаётган, уларнинг куч-ғайратини шу кун вазифаларига сафарбар этаётган жойларда яхши натижаларга эришилмоқда. Фарғона область Охунбобоев районининг «Ленин йўли», Сирдарё область Гулистон районининг «Гулистон», Бухоро область Навоий районининг «Коммунизм учун» газеталари тўқкизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган курашнинг фаол ташкилотчилари бўлиб чиқмоқдалар. Бу эса Охунбобоев, Гулистон, Навоий район партия комитетлари ўз матбуот органлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганликларининг бевосита самарасидир.

Партия комитетлари маҳаллий газеталар тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Эндликда газета редакцияларида партиявий иш мактабини ўтаган журналистлар, Олий партия мактаби ва олий ўқув юртларининг журналистика факультетларини тамомлаган кишилар, халқ хўжалигининг турли мутахассислари меҳнат қилмоқдалар. Кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетларида журналистларнинг сиёсий етуклигини ва профессионал малакасини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Масалан, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона областларида ва Қорақалпоғистон АССРда журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар, кенгашлар, амалий машғулотлар ўтказиб турилади.

Партия комитетларининг маҳаллий газеталар фаолиятига эътибори ошганлиги таҳсинга лойиқдир. Кўпгина партия комитетлари газеталарининг ғоявий йўналишини белгилаб бериб, редакциялар коллективлари асосий эътиборини экономика, маданият ва таълим-тарбиянинг муҳим проблемаларига қаратмоқдалар, матбуот чиқишларининг принципал ва самарали бўлиши учун курашмоқдалар.

Партия ва совет органлари томонидан матбуот ходимлари учун шу кунининг асосий воқеалари ва вазифалари, хўжалик ва сиёсий кампанияларнинг бориши тўғрисида мунтазам ахборот бериб турилиши муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, бу соҳада Фарғона ва Хоразм область партия комитетларида тўпланган тажриба бошқа областлар, шаҳарлар ва районларда кенг тарқалмаяпти. Олмалиқ шаҳари, Амударё ва бошқа кўпгина район газеталарининг журналистлари учун худди ана шундай ахборот ва партия комитетларининг масъул ходимлари билан дўстона суҳбатлар, фикр алмашишлар етишмайди. Бу жойларда журналистлар учун матбуот-конференциялари, партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари билан учрашувлар камдан-кам ўтказилади.

Партия комитетининг ўз органига раҳбарлиги кўп қирралидир. Ана шулардан бири — партия комитетининг матбуот чиқишларининг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишидир. Бироқ, бу борада партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳали талабга жавоб бермайди. Область, шаҳар ва район газеталарида босилаётган материаллар баъзан тасодифий характерда бўлиб қолмоқда, илғорлар тажрибаси ва социалистик мусобақанинг жонли мисолларини ёритишда схематизм ва юзаки чиликка йўл қўйилмоқда, баъзан редакциялар жиддий проблемаларга «қўл уриш»дан қочиб, иккинчи даражали, ижтимоий аҳамияти у қадар муҳим бўлмаган масалалар билан шуғулланмоқдалар. Кейинги пайтларда айрим газета саҳифаларида халқ хўжалигининг турли соҳаларида партия ва давлат интизомининг бузилишига, хўжасизлик ва бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қаратилган танқидий мақолалар ва уларнинг изидан хабарлар камайиб кетяпти. Баъзан бунга раҳбар партия ва совет ходимларининг ўзлари ишлаётган шаҳар ёки районнинг «чангини қоқмаслик» учун уринишлари сабабчи бўлмоқдаки, бу матбуотга раҳбарликнинг ленинча принципларига ётдир.

Қашқадарё область Ульянов районида чиқадиган «Ленинчи» газетаси ўтган бир ярим йил ичида катта-кичик 41 та танқидий материал босиб чиқарган. Лекин шу давр ичида атиги бештасигагина жойлардан тегишли жавоб олинган, айрим материалларнинг эълон қилиниши эса баъзи раҳбарларнинг «гашига» текканидан ҳатто текширилмасдан қолиб кетган. Район партия комитети матбуот таъсирчанлигини ошириш ўрнига ўз газетасида ҳамда область ва республика матбуотида танқидий материаллар билан чиқиб турган баъзи журналистларнинг қувғин остига олинишига йўл қўйган.

Газетани кўзгу билан қиёслашади. Ҳақиқатан ҳам у партия комитетларининг малакали раҳбарлиги туфайлигина область, шаҳар ва районнинг чинакам кўзгусига айланиши мумкин. Партия комитетлари ўз органини, унда ишлаётган журналистларни КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган сиёсий ва хўжалик вазифаларни бажаришга сафарбар эта билишлари, газета редакциялари фаолиятига доир масалаларни бюро мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб, газета ишининг сиёсий йўналишлари бўйича конкрет маслаҳат ва тавсиялар бериб туришлари, журналистларнинг билими ва малакасини оширишга эътиборни янада кучайтиришлари керак.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ВАТАН ҚУДРАТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТЎХТОВСИЗ ЎСТИРИШ НЕГИЗИ БЎЛГАН СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКАНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ УЧУН САБОТМАТОНАТ БИЛАН КУРАШИНГИЗ!

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари 1290 гектар майдондан бу йил 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар аҳдга вафо қилиш учун курашиб, барча майдонларда барака уруғини бир текисда ундириб олишди. Шу кунларда катта майдонлардаги яшил квадратларни культивация қилишга киришилди. Суратда: ғўза қатор ораларини культивация қилиш пайти.

К. Розиқов фотоси (ЎзТАГ).

ШОЛИ ЭКИШ ҚИЗҒИН

Амударё этакларида жойлашган шолиқор совхозлар шоли майдонларини кенгайтирмоқдалар. Бу йил 30 минг гектар ер — ўтган йилдагига нисбатан қариб 7 минг гектар знёд майдон шоли экишга ажратилди.

Ҳозир «Равон» совхози шоли экишни қизитиб иборди. 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан бу йил 70 центнерлик ҳосил олишга аҳд қилган Жоналиқ Одилов бошлиқ бригада ҳаммадан олдин далага чиқди.

Ташаббускор пилларачилар

ЭЛГА АТЛАС КИЙДИРАМИЗ

РЕПОРТАЖ

Қишлоқлар серфайз. Дов-дарахтлар жамол кўрсатиб, навбати билан шиғил гулга кираяпти. Беполдай тутлар каттакатта карталар четидагч қатор тут дарахтлари узоқ-узоқлардан қалдирғоч қанотидек кўринади. Баргларига яқинроқдан разм солсангиз, дақиқа сайин қуюқлашиб бораётганини сезаётгандай бўласиз.

Шу манзаралар оғушида Нарпай районига кириб борямиз. Районнинг ишбошилари пилларачиликда «Иттифоқ» колхози та шаббускор бўлиб чиқаётгани, мўл ҳосил кўтариш ниятида янги марраларни кўзлашаётганини қониқиш билан таъкидлашди. Чиройда шаҳар билан ўзи талашадиган обод ва кўркам қишлоқлар оралаб иттифоқчилар ҳузурига етиб бордик.

... Қишлоқда тараддуд. Уйҳовлилар тартибга келтирилмоқда. Аксарият биноларнинг ичи ва деворлари бошқатдан оқланяпти. Сўкчак ясаётганлар, кўча эшиги олдига туширилган кўмирни ичкарига ташиётганлар, рейкани уй энига мослаб қирқаётганлар дейсизми?!.. Улар мурғак пилла қурти уруғини уйга олиб кириш ҳаракатида, элни шойи-атласга кийинтириш ташвишида.

Шулар билан учрашдик, шулар билан суҳбатлашдик. Мана, улар нималар дейишди.

Абдулла ТУРОБОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, пиллачилик бригадасининг бошлиғи.

— Бригадамиз аъзолари пахта ва пилла юкини елкасида дангал кўтариб келяпти. Биз учун пахта катори пилла ҳам азиз. Иккиси ҳам жуда зарур ҳом ашё! Шу икки эгизакни ўз мавриди билан «тарбиялаб» обрў орттираямиз, биримиз икки — рўзғоримиз бут бўлмоқда. Болаларимизнинг шўхлиги, оиламизнинг тўқлиги шундан — пахтадан, пилладан.

РЕПОРТАЖ

Биз шошиб қолмаймиз. Ҳар икки бойликни вақтида саранжомлаб, мамлакат омборларига йил сайин кўпроқ етказиб беришга улгурмоқдамиз. Ҳозир пилла қурти боқишнинг долзарб дамлари. Тайёргарлигимиз эрта бошланган. Тут баргидан кўнглимиз тўқ. Колхоз правленеси ҳамма ишни батартиб ташкил килган. Биз вақтдан ютишга, пилла қурти боқишнинг агротехника қоидаларига қатъий амал қилишга уриняпмиз. Юқори ҳосил олиш фақат ўзимизга боғлиқлигини яхши биламиз.

Мақтангудек бўлмасину, мўл пилламиз хазинадаги тилламиз бўлиб қолди. Ҳар йили муттасил юқори ҳосил олишга эришмоқдамиз. Эвазига катта даромад кўрмоқдамиз. Беш йилликнинг дастлабки йилидаги мавсумда бригадамиз пилла тайёрлаш планини 128 процент уддалаганди. Ўтган йили тағин ҳам яхши кўрсаткичга эришдик. Баҳорги қурт боқиш хисобигагина планни 151 процент адо этдик. Агар 1971 йилда ҳар кутидан 79 килограммдан пилла олган бўлсак, ўтган йили кути ҳисобига етиштирган пилламиз 92,5 килограммга тўғри келди. Даромадимиз шунга яраша бўлди.

Бу йилги мўлжалимиз яна ҳам катта. Бригадамиз аъзолари ҳар қутидан камида 100 килограммдан пилла етиштиришга белни маҳкам боғлашган.

Холбиби БОЙМУРОДОВА,
илғор звено бошлиғи.

— Абдулла бригадир айтмоқчи, баргдан ташвишимиз йўқ. Тутларни парвариш қиладиган махсус бригада тузилган. Улар бу йил ҳам яхши ишлашди. Баргнинг чўғи ва ривожи пилладан мўл ҳосил олишимизга кафолат беряпти.

Энди биз, пилла қурти боқувчилар ғайрат кўрсатсак, баъзи вақтларда уйқуни ҳам тарк этсак, оиламиз билан қурт боқиш қоидаларини мавруди билан ўрнига қўйиб турсак, бу йилги маррани ҳам бемалол эгаллай оламиз. Звеномиздагиларнинг аксарияти тажрибали пиллачилар. Мўл ҳосил олиб юргамиз. Ўтган йили 2,25 кути қурт уруғи олиб, 135 ўрнига 337 килограмм пилла топширганмиз. Даромадимиз 1000 сўмни ташкил килди.

Бу йил ҳар кути қурт уруғидан 110 килограммдан пилла топширамиз. Шундай мажбурият олдик. Шунча тош босадиган ҳосил беришга аҳд қилган звеноларнинг ишини кўп. Улар қатор йиллардан буён мўл пилла етиштириб келаётган тажрибакорлар: Яхшигул Хушназарова, Гулсара Раҳмонова, Ҳосият Очилова, Малика Муҳиддинова...

Иноятилла ТУРОБОВ,
колхоз раиси.

— Пиллачиларимиздан хурсандмиз. Пиллачилар йигитлишида илғорларнинг ташаббусини маққулладик, уларнинг тажрибаларини кенг ёйишни тавсия этдик. Колхоз партия ташкилоти секретари Қ. Тожиев ва пиллачилик бўйича агроном Н. Камолов қишлоқ хўжалигимизнинг бу соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган катта ишда бизга яқиндан ёрдам бериб келаётганликларини таъкидлаб ўтдим бор.

Хўжалигимизда пиллачилик юксалиш йўлидан бораётганлигини айрим рақамлар ҳикоя қилади. Бу йил 570 кути қурт боқишга киришдик. Дастлаб тарқатилган қуртлар яхши ривожланяпти. Ҳар қутисидан ўртача 80 килограммдан пилла оламиз. Уч йилда тўрт йиллик планни бажариб қўйиш ва келгуси йили ялпи пилла миқдорини 171 тоннага етказиш учун кураш бошланди. Бу — масъуляятли марра. Лекин амалга оширса бўладиган иш. Шунга яраша имкониятларимиз бор.

Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун бир неча йиллардан буён курашиб келяпмиз. Янгидан 83 гектар майдонда тутзорлар барпо қилдик. Бу майдонларнинг тути жадал ривожланиб, сербарг бўлиб ўсяпти. Бир неча жойда янги қуртхоналар қурдик. Тажрибали пиллачилар кўпайиб бормоқда. Ўнлаб звеноларнинг ташаббус кўрсатишди: Ҳар бир кути ҳисобига юз килограмм ва ундан ҳам ортиқ пилла топшириш ҳаракатини бошлаб беришди.

Правление ва партия ташкилоти қурт боқишни намунали ташкил этиш ва пиллачилар меҳнатини рағбатлантириш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширади. Планни ортириб бажарганларга устама мукофотлар берилади. 90 килограмм ва ундан ошириб пилла берган бригадаларга вимпель ҳамда пул мукофотлари таъсис этдик. Илғор звеноларга ҳам мукофотлар топширилади. Энг пешқадамлар колхоз «Ҳурмат китоби»га ёзилади ва мукофотларга тақдим этилади.

Пиллачилик — колхоз ишлаб чиқаришининг сердаромад тармоғи бўлиб қолди. Одамларимиз пилланинг қадрини жуда яхши англаган ҳолда рекорд ҳосил етиштириш учун кураш бошлаганлар...

* * *

Бу гапларга тағин нимани қўшимча қилиш мумкин? «Иттифоқ» колхози азаматларининг пиллачиликни пахтачилик билан баравар ривожлантириш учун бошлаган ҳаракатлари самарали бўлишига тилакдошмиз. Далалардан уфураётган ўтўланларнинг хушбўй ҳиди кайфиятимизни кўтариб юборди. Қишлоқ одамларининг элни ипакка буркаш учун бошлаган ташаббуси, уларнинг бугунги фаровон ҳаёти оғушида область марказига йўл олдик.

Л. ЭРГАШЕВ,
Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ҚЎЗИ ҚОЛДИРИШ МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

ФОРИШ. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирларидан). Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиш учун астойдил курашаётган Киров номли давлат наслчилик заводи чорвадорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар йил бошида ҳар юз совлиқдан 122 тадан қўзи олиш, 13200 бош қўзини ўстиришга қолдириш ҳақида мажбурият қабул қилган эдилар. Бу мажбурият муддатидан анча илгари ошириб адо этилди. Фермалардаги 29863 бош совлиқдан 20 мингдан знёдроғи қўзилаб бўлди. Ўстиришга 13800 бош қўзи қолдирилиб, мажбурият ортиғи билан бажарилди.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини янада ошириш борасида янгидан-янги ютуқларга эришаётган наслчилик заводи қўйчиларни шу кеча-кундузда қўшимча мажбурият ҳисобига ўстиришга қўзи қолдирмоқдалар. Айни вақтда баҳорги жун қирқимига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишлар ҳам ниҳоясига етказиляпти.

ОИЛАМИЗ ТОРТИҒИ

Биз ҳаммамиз Олмалиқ химия заводида ишлаймиз. Рафиқам Анастасия Васильевна — бош омборчи, ўғлим Анатолий— аммофос цехининг слесари, Виктор билан ўзим эса электр слесаримиз. Мақтаниш эмас, шу кунги қўлимиз-қўлимизга тегмади. Шанбаликда қатнашаётган ҳар бир ишчини зарур асбоб ва материаллар билан бетўхтов таъминлаб турдик. Иш давомида битта электр двигатели, битта автомат станоги, битта аммиак тортиладиган тарози ва бошқа қатор механизмларни ремонт қилиб бердик. Ишдан сўнг ҳисоблаб кўрсак, оиламиз билан 100 сўмдан ортиқ иш бажарибмиз. Бу бизнинг кичик оиламиздан беш йиллик фондига тортиқдир.

Д. КОНОВАЛОВ,
Олмалиқ химия заводининг электр слесари.

МАККАЖЎХОРИ ВА ШОЛИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида дон учун маккажўхори ва шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 25 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — **ДОН УЧУН ЭКИЛГАН МАККАЖЎХОРИ** майдони (гектар ҳисобида); учинчи стун — **ТОПШИРИҚҚА НИСБАТАН ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА**; тўртинчи стун — шоли экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи стун — бажарилиш процента.

Сирдарё	6666	83,3	—	—
Тошкент	7725	77,3	1198	11,7
Сурхондарё	5155	73,6	1597	56,8
Бухоро	5420	72,3	—	—
Фарғона	5666	70,8	226	12,1
Андижон	5073	63,4	693	25,7
Самарқанд	4097	58,5	—	—
Қашқадарё	4016	57,4	—	—
Наманган	3627	51,8	489	15,1
Хоразм	1107	22,1	—	—
ҚҚ АССР	1294	19,3	31	0,09
Республика бўйича:	49846	61,4	4234	5,9

ТАХИАТОШ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

НУКУС. (Телефон орқали олинди). «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотларининг коллективлари Тахиатош гидроузели қурилишида асосий қурилиш-монтаж ишлари бўйича олинган социалистик мажбуриятларни бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Қурилиш бошлангандан буён 63,5 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди, 15,1 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилди, 304 минг куб метр монолит ва йиғма темир-бетон ётқизилди, 6 минг тонна металл конструкциялари монтаж қилинди. Эндликда Тахиатош гидроузели ишга туширишга тўла тайёрлаб қўйилди. Амударё бўйида тиклaнган бу улкан иншоот қурувчиларнинг чинакам бунёдкорлик ишларини кўрсатмоқда.

«Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси қурувчилари билан биргаликда 7-«Мостострой» трестининг 14-кўприк қуриш отряди, «Гидромонтаж» ҳамда «Гидромеханизация» трестларининг Тахиатош участкалари, Қорақалпоғистоннинг марказлаштирилган юк ташиш трести коллективлари жуда яхши ишладилар ва қурилишнинг тезроқ битказилишига яхши кўмаклашдилар.

Расмий хабарлар

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Қуролли Кучлари штаблари ва бошқа бошқарув органларининг ҳуқуқий қобилияти, иммунитетлари ва имтиёзлари тўғрисида 24 апрелда Москвада битим имзоланди.

Битимни Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари К. Несторов, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Й. Марьяи, Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри ўринбосари О. Фишер, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри ўринбосари Я. Чапля, Руминия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Геня, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри ўринбосари Ф. Крайчир имзоладилар.

Битимни имзолаш маросимида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский, БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев, ВХР элчиси Д. Рапан, ГДР элчиси Х. Биттнер, ПХР элчиси З. Новак, РСР элчиси Г. Бадрус, ЧССР элчиси Я. Гавелка, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари штабининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

АҚШ СЕНАТОРЛАРИ ЖЎНАБ КЕТИШДИ

АҚШ сенаторларининг бир группаси, сенатнинг савдо комиссияси аъзолари В. Хартке, Г. Кэннон, Ф. Мосс, Д. Пирсон, Г. Бейкер, Г. Билл ва Р. Гриффин 24 апрелда Москвадан жўнаб кетишди. Оқ уй, давлат департаменти ва АҚШ савдо министрлигининг вакиллари ҳам сенаторлар билан бирга жўнаб кетишди.

Аэродромда Америка сенаторларини СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари А. Н. Манжулo, СССР ташқи ишлар министрлиги ва ташқи савдо министрлигининг масъул ходимлари кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили А. Дабс ҳам бор эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми истеъфодаги полковник Георгий Фёдорович **Курганов**ни меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари ва бу ишда актив қатнашганлиги учун ҳамда етмиш беш ёшга тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

24 апрелда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда саноат корхоналарида умумий овқатланишни ривожлантириш юзасидан давлат план топшириқларининг бажарилиши тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Бу масаланинг қўйилиши қонуний бир ҳолдир. Бу—партия XXIV съездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг қарорларидан келиб чиқади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган ҳисобот докладида таъкидлаб ўтганидек, хизмат кўрсатишнинг барча тармоқлари, шу жумладан умумий овқатланиш ҳам планни бажаришлари керак бўлган шунчаки тармоқлар эмас, балки кишилар билан, уларнинг ҳар хил дидлари билан, кишиларнинг кайфияти билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлардир. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шундан кейинги қарорларида саноат корхоналарида умумий овқатланиш шохобчаларини янада ривожлантиришга қаратилган конкрет топшириқларни белгиладилар.

Комиссияларга аъзо бўлган депутатларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилганидек, министрликлар ва идоралар бу соҳада кўп иш қилдилар. Аммо ҳали кўп иш қилиш ва бунинг учун ишчиларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги илғор тажрибадан фойдаланиш кераклиги ҳам мажлисда уқтириб ўтилди. Депутатлар ишчи ошхоналарида овқатнинг сифатини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш чораларини кўриш зарур эканлигини қайд қилдилар. Уларнинг фикрича, кечки ва тунги сменаларда ишчиларнинг овқатланишини уюштиришга, шифобахш-профилактика ва парҳез овқатларни кўпайтиришга, умумий овқатланиш корхоналарининг санитария-техника ҳолатини яхшилашга ва шу сингари ишларга алоҳида эътибор бериш лозим.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

Депутатлар таъкидлаб ўтганидек, ошхоналарнинг иши намунали йўлга қўйилган саноат корхоналарида ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги умумий овқатланишга етарли эътибор берилмаётган корхоналардагига нисбатан юксакдир.

Комиссиялар қабул қилинган қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни йўқотиш ва умумий овқатланиш корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларнинг ишини яхшилаш юзасидан давлат топшириқларининг бажарилишини таъминлаш борасида конкрет тадбирларни тавсия этди.

Мажлисда комиссияларнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш юзасидан СССР Олий Совети белгилаб берган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги, шунингдек уй-жой-коммунал қурилишдаги ишларни механизациялаш ва техникани жорий қилиш ҳақидаги масалалар ҳам қараб чиқилди.

Мажлисда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари К. А. Халилов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари Е. С. Насриддинова ва А. П. Шитиков, СССР Министрлари А. К. Антонов, В. П. Леин, Центросоюз правлениесининг раиси А. П. Климов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бир қанча министрликлар ва идораларнинг, ВЦСПСнинг масъул ходимлари қатнашдилар. (ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Халқимиз саломатлик посбонлари бўлган шифокорларни иззат-ҳўрмат қилади. Уларнинг кўпчилиги бунга лойиқ кишилар. Лекин улар орасида ҳам гурух ичидаги нурманка ўхшаган айрим бағритош кишилар бўлар экан. Районимиз касалхонаси бош врачининг ўринбосари М. Мамажонов ва врач Э. Жумаевлар ана шу тоифадаги одамлар экан. Укам оғир касал бўлгани туфайли уларга мурожаат қилдим. Аммо шошилинч чора кўриш, ёрдам бериш ўрнига, лоқайдлик ва қўполлик қилишди. Шу туфайли уларнинг устидан шикоят қилиб, редакцияга хат ёзишга мажбур бўлдим.

Поплик Ҳ. Қурбоновдан олинган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Поп район ижроия комитетига юборилганди. Олинган жавобда айтилишича, хатда келтирилган фактни текшириш учун комиссия ташкил этилган. Текширишда Ҳ. Қурбонов бетоб бўлиб қолган укасига ёрдам бериш ҳақидаги илтимос билан район касалхонаси тез ёрдам бўлимида навбатчилик қилаётган врач Э. Жумаевга мурожаат этганида, у бефарқ қарагани, сўнг касалхона бош врачининг ўринбосари М. Мамажоновга учрашганида у қўполлик қилгани аниқланган. Текшириш натижаси ва Э. Жумаев, М. Мамажоновларнинг ножўя ҳатти-ҳаракати ҳақидаги масала касалхона ходимларининг йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда улар огоҳлантирилган. Юқоридаги каби камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари белгиланган.

«ЧЎП УШЛАМАГАН ДИРИЖЕР»

«Совет Ўзбекистони»да юқоридаги сарлавҳа остида 1 апрелда босилган фельетон юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Янгийўл районидаги 4- мактаб-интернат директори К. Каримов, Оҳангарон шаҳридаги 1- мактаб-интернат директори А. Фричкина, Оқўрғон районидаги 2-махсус мактаб-интернат директори С. Бугибоев, Оржоникидзе районидаги 2- болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори Б. Яструбеницкийларга мактабларни капитал ремонт қилиш учун ошиқча ва қонунсиз тўланган пулларни тўлиқ ундириш топширилди.

Область халқ маорифи бўлимига қарашли муассасаларнинг молия-хўжалик фаолияти устидан контроллиқни бўшаштириб юборганликлари учун область халқ маориф бўлими мудирининг ўринбосари А. Измайлов, бош бухгалтер Л. Яковлева ва унинг ўринбосари А. Гумеровларга виговор эълон қилинди.

Капитал ва жорий ремонтнинг бориши устидан контроллиқни таъминламаганлиги, бажарилган ишлар ҳажмининг ошириб кўрсатилиши ва ошиқча ҳақ тўланишига йўл қўйганлиги учун область халқ маорифи бўлимининг катта инженери В. П. Пильняк вазифасидан бўшатилди. Айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун текшириш материаллари тергов органларига юборилди.

Тошкент область халқ маорифи бўлими редакцияга шуларни маълум қилди.

ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛАДИ

Чуст районидаги Фрунзе номли колхоз қишлоғи нообод, маданий даражаси талабга жавоб бермайди. Буни район раҳбарлари ҳам, Ворзан қишлоқ Совети ва колхоз раҳбарлари ҳам яхши билишади. Чунки меҳнаткашлар ўз қишлоқларини ободонлаштиришга эътибор бериш ҳақида уларга неча марталаб мурожаат қилишган. Афсуси, бу талаб қондирилмаётир.

Газетхон Абдужабборовдан олинган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Чуст район ижроия комитетига юборилганди. У ердан олинган жавобда айтилишича, Фрунзе номли колхоз экономикаси заиф, иқтисодий жиҳатдан камқувват бўлганлиги сабабли қишлоқда маданий-маиший қурилишни авж олдириш учун етарли маблағ ажратиш имкониятидан маҳрум бўлиб келган.

Кейинги даврда хўжалиқда маҳсулот етиштириш, бинобарин даромадни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу, қишлоқ қурилишини кучайтириш имконини берипти. 1972 йили колхозда бир қатор маданий-маиший объектлар қурилиб, ишга туширилди. Бу соҳадаги ишни 1973 йилда ва келгуси йилларда ҳам давом эттириш, шу тариқа яқин йиллар ичида қишлоқнинг маданий қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш назарда тутилипти. Район матлубот жамияти правлениеси бу йил қишлоқда янги магазин қуришни планлаштирди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

МУСОБАҚА—ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1973 йил планларини муддатидан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида қабул қилган қарорларида мусобақанинг ёритиш бўйича матбуот органлари олдига ҳам катта вазифалар қўйилган эди. Ҳозирги кунда оммаининг жонли ижоди бўлган социалистик мусобақа газеталарнинг энг муҳим темаси бўлиб қолди. Миллионларнинг ватанпарварлик ҳаракати матбуот саҳифаларида кенг ўрин олмоқда.

Шу жиҳатдан Янгийўл район «Янгийўл» газетасининг иши диққатга сазовордир. Газета социалистик мусобақани ўзининг энг актуал мавзуларидан бирига айлантирди. Газета редакцияси кейинги вақтда мусобақага бағишлаб ҳар ҳафтада бир марта алоҳида саҳифа эълон қилаётир. Унда корхона, хўжалик ва бошқа ташкилотларда ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этишда қўлланилаётган қимматли тажрибалар оммалаштирилмоқда, йўл қўйилаётган қамчиликлар эса қаттиқ танқид қилинаётир. Ҳозиргача газета ана шундай саҳифаларни ўн марта босиб чиқарди. Унда партия ходимлари, хўжалик раҳбарлари, деҳқон ва чорвадорлар, умуман кенг меҳнаткашлар оммасининг вакилларига сўз берилмоқда.

Жумладан, Киров номли колхоз партия ташкилотининг секретари Э. Собиров «Партия ташкилотининг жонажон иши» сарлавҳали мақоласида бошланғич ташкилотнинг социалистик мусобақага қандай раҳбарлик қилаётгани ҳақида мулоҳаза юритса, Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори В. Гараевнинг «Таъсирчанлик ва оммавийликни ўйлаб» мақоласида мусобақа самарадорлигини ошириш ҳақида, «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Т. Эрназаровнинг «Мусобақадош — кўмакдош» мақоласида мусобақа умум коллектив манфаатига, коллективнинг меҳнат мувaффақиятига эришувига хизмат қилиши лозимлиги ҳақида гап боради.

Социалистик мусобақага бағишланган саҳифаларда «Олиғанг мажбуриятлар изидан», «Мусобақадош хўжаликларда» рубрикалари остида меҳнаткашларнинг зиммаларидаги мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида мақола, корреспонденциялар эълон қилинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, «Янгийўл» газетасининг «Мусобақа — юксалиш гарови» умумий сарлавҳаси остида эълон қилаётган саҳифалари районда ватанпарварлик ҳаракатини кенг оммалаштириш, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганлиги билан ибратлидир. Газета редакцияси кейинги вақтда мусобақага бағишлаб ҳар ҳафтада бир марта алоҳида саҳифа эълон қилаётир. Унда корхона, хўжалик ва бошқа ташкилотларда ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этишда қўлланилаётган қимматли тажрибалар оммалаштирилмоқда, йўл қўйилаётган қамчиликлар эса қаттиқ танқид қилинаётир. Ҳозиргача газета ана шундай саҳифаларни ўн марта босиб чиқарди. Унда партия ходимлари, хўжалик раҳбарлари, деҳқон ва чорвадорлар, умуман кенг меҳнаткашлар оммасининг вакилларига сўз берилмоқда.

Жумладан, Киров номли колхоз партия ташкилотининг секретари Э. Собиров «Партия ташкилотининг жонажон иши» сарлавҳали мақоласида бошланғич ташкилотнинг социалистик мусобақага қандай раҳбарлик қилаётгани ҳақида мулоҳаза юритса, Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори В. Гараевнинг «Таъсирчанлик ва оммавийликни ўйлаб» мақоласида мусобақа самарадорлигини ошириш ҳақида, «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Т. Эрназаровнинг «Мусобақадош — кўмакдош» мақоласида мусобақа умум коллектив манфаатига, коллективнинг меҳнат мувaффақиятига эришувига хизмат қилиши лозимлиги ҳақида гап боради.

Социалистик мусобақага бағишланган саҳифаларда «Олиғанг мажбуриятлар изидан», «Мусобақадош хўжаликларда» рубрикалари остида меҳнаткашларнинг зиммаларидаги мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида мақола, корреспонденциялар эълон қилинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, «Янгийўл» газетасининг «Мусобақа — юксалиш гарови» умумий сарлавҳаси остида эълон қилаётган саҳифалари районда ватанпарварлик ҳаракатини кенг оммалаштириш, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганлиги билан ибратлидир. Газета редакцияси бундан кейин ана шу саҳифа материалларининг мазмун ва мундарижасини янада бойитади ва унда хилма-хил газета жанрларидан янада кенгроқ фойдаланади, деб ишонамиз.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ—ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ғиждувон район партия комитети партия ҳужжатларини алмаштиришга ҳозирлик кўриш ва бу муҳим партиявий ишни амалга ошириш даврида партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирди. Райком коммунистлар билан ишлаш, партия аъзоларини тарбиялаш, уларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Районда чиқадиган «Колхоз ҳаёти» газетаси эса район партия ҳаёти, айниқса партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим томонларини кенг ёритишга ҳаракат қилмоқда. Газета саҳифасида партия турмуши рубрикасидаги материаллар муттазам эълон қилинаётир.

Яқинда «Колхоз ҳаёти» газеси ўзининг бутун бир номерини партия ташкилотлари ҳаётига бағишлади. Унда район партия комитетининг иккинчи секретари А. Елемесов, Энгельс номли колхоз партия комитети секретари Х. Жумаева, «Ленинизм» колхози партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактаби пропагандисти Ш. Тилаев ва бошқа ўртоқлар партия ҳужжатларини алмаштириш, партиявий топшириқнинг ижроси, коммунистларни тарбиялаш, КПСС сафларининг ўсиши ва партия ташкилотларининг хўжалик ишларига раҳбарлиги ҳақида мақолалар билан чиқидар. Газетанинг бу номерида коммунистлар ҳақида ёзилган лавҳа ва корреспонденциялар, коммунистлар етакчи бўлган коллективларнинг меҳнат ютуқлари ҳақида ёзилган хушхабарлар ҳам ўрин олган.

1 МАЙ ШАРАФИГА МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Республикамиз саноат корхоналарининг азамат коллективлари 1 Май шарафига меҳнат вахтасида туриб кўплаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Ишчи, инженер-техник ходимлар социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтаришаётир. Суратларда: (чапда) «Каршинефтегазразведка» трестига қарашли Б. Дадақўзиев бошлиқ парма ловчилар бригадасининг илғор лаборанткаси Г. Назарова; ўнгдаги суратда эса Самарқанд электр механика заводида ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган янги хил электр ёритгичлар акс эттирилган.

Р. Хамидов ва А. Кузьменко фотолари. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ

Қишлоқларимизнинг янгиланиб, замонавий посёлкаларнинг вужудга келиши, қишлоқ меҳнаткашларининг замонавий коммунал қулайликларга интилишлари янги масалани келтириб чиқарди. Қишлоқ аҳолисига ким коммунал хизмат кўрсатиши керак? Шу тариқа колхоз коммунал корхоналари вужудга келди. Эндиликда бундай корхоналар тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Маълумки, шаҳарларда ва район марказларида коммунал хизмат аллақачон йўлга қўйилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ меҳнаткашларига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида қабул қилган қарорида қишлоқда коммунал хизматни кенгайтириш йўллари белгилаб берилди.

Республика Коммунал хўжалиги министрлигида қишлоқ аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ташкил этилди. Область ижроия комитетлари коммунал хўжалик бўлимлари ҳузурида тегишли секторлар, баъзи районларда эса колхозлараро коммунал хўжалик кенгашлари ташкил этилди.

Қишлоқда коммунал хизмати кўрсатиш жуда тез ривожланмоқда. Республикамизда қисқа вақт ичида 230 колхоз коммунал хизмат комбинатлари ташкил этилди. Бундай комбинатларнинг ишлари нақадар самарали бўлаётганлигини қуйидаги рақамлардан билиш мумкин. 1970 йилда улар аҳолига 9 миллион 70 минг сўмлик хизмат кўрсатган бўлсалар, ўтган йили 14,5 миллион сўмликдан зиёдроқ коммунал хизмати ишларини бажардилар.

Қишлоқ коммунал хизмат комбинатлари 564 дан ортиқ уй-жой ва хўжалик биноларини ремонт қилдилар, колхозчиларга 8500 тонна ёқилғи етказиб бердилар, 398 минг квадрат метр йўл ва йўлларни ремонт қилдилар. 103 километр водопровод тармоғини ремонтдан чиқардилар. Қишлоқ коммунал хизмат комбинатлари мактаблар, ҳаммомлар, касалхоналар, болалар боғчалари, пионер лагерлари, дала шийпонлари, кўприклар, электр ва газ тармоқларини ва бошқа жамоат биноларини ремонт қилиш билан шуғулланмоқдалар. Ҳозирги вақтда республика қишлоқ коммунал хизматида 3300 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ коммунал хизмати ходимларини ўқитиш йўлга қўйилди. Республика Коммунал хўжалиги министрлиги ҳузурида махсус курслар ишлаб турибди.

Бироқ республикамиздаги барча область ва районларда коммунал хизматни яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланилаётир деб бўлмайди., Айрим район, посёлка ва қишлоқ Советлари бу масалага доимий эътибор бермаётирлар. Баъзи жойларда дастлабки комбинатлар ташкил этиш бчлан хотиржамликка берилиб кетишди. Бунинг оқибатида сўнгги икки йил ичида Андижон, Наманган, Самарқанд ва Хоразм областларида атиги 22 та коммунал хўжалиги ташкил этилди, холос.

Қишлоқларимиз қиёфаси тез ўзгариб бормоқда ва ободонлашмоқда. Ҳозирги вақтда 1026 қишлоқ ва посёлкада жами узунлиги 6090 километр келадиган водопровод тармоқлари қурилган. Шундан 533 та водопровод тармоғи колхозда бўлиб, 493 тармоқ совхоз посёлкаларидадир. Аҳолини сув билан таъминлаш учун 5308 та қудуқ қазилган.

Анализ шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий партия ва совет органлари эътибор билан қараётган жойларда қишлоқ коммунал хизмати муваффақиятли ишлаётир. Колхоз комбинатлари билан бир қаторда область ижроия комитетлари тажриба тариқасида колхозлараро коммунал хизмат кенгашлари ўрнига колхозлараро комбинатлар ташкил этдилар. Бу тажриба ўзини оқламоқда. Чуст районида иккита колхозлараро коммунал хизмат комбинати ташкил этилган бўлиб, Чуст комбинати 13 колхозга, Косонсой комбинати 7 колхозга хизмат қилаётир.

Колхозлараро комбинатларнинг ташкил этилиши пайчи колхозларнинг взносларини, улар ажратадиган транспорт воситаларини марказлаштириш имконини бермоқда. Бундан ташқари комбинатни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда маъмурий-бошқарув аппарати ҳисобига иқтисод қилиш учун шароит яратмоқда.

Колхозлараро комбинатлар колхоз комбинатларига нисбатан бақувват бўлиб, пайчи колхозларнинг топшириғи билан турли хилдаги коммунал хизмат кўрсатиш, ремонт-қурилиш ишлари билан шуғулланмоқда ва рентабель ишламоқда.

Наманган область тажрибасидан фойдаланиб, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва бошқа областларда ҳам колхозлараро комбинатлар ташкил топмоқда.

Шунга қарамай қишлоқ аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳали ҳам талабга тўла жавоб бермайди. Қишлоқларда ер-жойлар ва бошқа биноларидан, водопроводдан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Республика Министрлар Совети КПСС XXIV съезднинг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида махсус қарор қабул қилди ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳамда область ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларига совхозларда коммунал хизмат комбинатларини ташкил этиш, колхозларда бундай комбинатлар фаолиятини яхшилаш, қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган коммунал хизмат турлари ва ҳажмини кўпайтириш вазифасини юклади. Қарорга мувофиқ область совхозлар трестларида коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари, совхозларда эса хўжалик ҳисоби асосида ишловчи, зарурати бўлганда эса совхозлараро коммунал хизмат комбинатлари ташкил этилади.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги хўжалик ҳисоби асосида ишловчи тўртта совхозлараро комбинат, У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида битта комбинат, қолган совхозларда эса аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисоби асосида ишловчи мустақил бўлимлар тузишни планлаштирмоқда.

Механизмлар ва ускуналарни ремонт қилишда, оддий ускуналарни тайёрлашда, юк ташишда ҳамда комбинатлар билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа ишларни бажаришда совхозлараро комбинатларга ёрдам бериш «Ўзсельхозтехника» бирлашмасига топширилди. Шунингдек, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси колхозлараро ва колхоз комбинатларини колхозлар балансидаги иморатларни капитал ва жорий ремонт қилиш учун зарур бўлган моддий маблағ-техника ресурслари билан таъминлаб туради.

Колхозчиларнинг ёки хизматчиларнинг хусусий уйларини «Ўзбекбирлашув» магазинларидан уй эгалари қурилиш материалларини сотиб олган тақдирдагина комбинатлар ремонт қилиб беришлари мумкин. Баъзи бир раҳбар ходимлар ҳамма ремонт ишларини «Ўзсельхозтехника» орқали олинган материаллар ҳисобига бажаришга ва ҳатто янги биноларни қуришга уринадилар, бу бутунлай нотўғридир. Янги иморатлар пудратчи «Ўзколхозстрой» ташкилотлари орқали қурилиши керак.

Қишлоқда коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишдир. Область, район, партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ коммунал хўжалиги ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари қишлоқ меҳнаткашларига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

С. МАҲКАМОВ.
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг коммунал хўжалик бўлими мудири.

ХИМИКЛАР СИМПОЗИУМИ

Самарқандда очилган Бутуниттифоқ симпозиуми табиат объектларидаги микроэлементларни аниқлаш методикасига бағишланди. Симпозиум ишида барча қардош республикаларнинг олимлари қатнашмоқдалар.

М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ва А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ташкил этган симпозиумнинг ялпи ва секция мажлисларида совет тадқиқотчилари кенг қўлланаётган анализнинг фотометрик, электроаналитик, спектрал ва радиойактив методлари тўғрисида 200 га яқин доклад тинглаиади.

Меҳмонлар Самарқанд университетида илмий ишларнинг қандай ташкил этилгандиги билан танишиб чиқадилар.

ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида кибернетик олимларнинг илмий конференцияси бўлди. Конференция Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ташаббуси билан уюштирилган. Мамлакатимизнинг йирик олимлари қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва бошқаришнинг иқтисодий-математик методини қўлланиш, корхоналарни бошқаришнинг актуал масалаларини муҳокама қилдилар.

Конференция ишида Москва, Ленинград, Тошкент, Душанбе, Ереван шаҳарларидан келган Р. Кравченко, В. Единский, В. Милосердов, Г. Сидельников, Л. Брага, А. Саакян каби олимлар иштирок этдилар.

Ажсаб савдолар

ФЕЛЪЕТОНДАН КЕЙИН...

Коммунист Жаббор Каримов Жарқўрғон район нефтчилар бошқармасига қарашли ишчилар таъминоти бўлимида омбор мудири эди. У бошқарма бошлиғи Т. Сорокининнинг эгри қўллиги, ножўя кирдикорларини пайқаб қолди. Бундай ноҳақликка чидай олмади. Юқори ташкилотларга, матбуот органларига хабар қилди. Шу асосда текшириш ўтказилгач, «Совет Ўзбекистони»да «Қилмиш-қидирмиш» сарлавҳали фельетон босилди.

Ана ўшандан буён Ж. Каримовнинг ҳаловати йўқ. Сорокининнинг хомийлари уни таъқиб қила бошлашди. Милицияга, тергов органларига чақиришди. «Агар сен Сорокинага 500 сўм берувдим, деган гапингдан қайтмасанг, қаматамиз», — деб ўқ уришлар авж олиб кетди. Жарқўрғон район прокурори У. Маъруповнинг ишчи ишлар бўлими бошлиғи Р. Норқулов ўртоқлар райком секретари А. Шипиловнинг талаби билан иш тутиб, фельетонда сирлари фош бўлган шахсни қаттиқ ҳимоя қилиб келяпти.

Ж. Каримовга тинчлик йўқ. У ишлайдиган омбор саккиз марта ревизия қилиниб, ҳеч қандай камчилик топилмади. Шунга қарамай, унинг уйига ҳар куни милиция келиб, ҳайдаб кетаверди, беҳуда сўроқ қилиб, наверди. Бунинг оқибатида Ж. Каримов қаттиқ бемор бўлиб қолди. Ишга ўлдирди, у район касалхонасида ётибди. Беш ойдан бери ишга йўлатишмайди. Қарамоғидаги беш фарзанди, оиласи ночор аҳволда.

Район тергов органлари Ж. Каримовни шифохонада ҳам тинч қўйишаётгани йўқ. «Сорокинага 500 сўм берганлигим ёлғон, унинг бошқа кирдикорлари ҳақида берган маълумотларим ҳам нотўғри эди, деб кўрсатма берсанг, қутуласан, бўлмаса қаматамиз», — деб дағдага қилишади.

Улуғ Ватан уруши инвалиди Ж. Каримов савдо соҳасидаги бир ҳиёнаткорнинг сирларини очиб, мана шу аҳволга тушди. Эндиликда Жарқўрғон район раҳбарлари соф виждонли бу кишини эмас, ўз ишида қатор камчиликларга йўл қўйган Сорокинани ҳимоя қилиб турганлари кишини ажаблантиради.

Фельетон юзасидан бошланган ревизия беш ойдан бери сира ниҳоясига етмайди. Дастлаб республика нефтчилари ишчилар таъминоти бошқармасидан юборилган В. Кашиев деган ревизор роса бир ярим ой тафтиш қилди. У ҳар куни кайф қилиб юраверганч, ўрнига яна икки ревизор жўнатилди. Улар фельетонда келтирилган фактларни аниқлай бошлаганлиги сезилгач, қандайдир сирли йўл билан келган жойларига қузатиб қўйилди. Учинчи марта ревизия қилиш учун УРСдан Леонид Ефимович Белоконь деган киши келди. У Сорокининнинг кабинетини бўшатириб, каравот қўйиб, кўрпа-ёстиқ келтириб ётиб олди. У калла шўрвани жуда яхши кўрар экан. Номига ревизия қилган бўлиб, ҳар куни бир молнинг калла-почасини еб, қиттай-қиттай отиб, фарогатда ётибди.

Гапнинг қисқаси, шу билан учинчи «ревизор»нинг ҳам оғзи нуқталанди. Белоконь қирқ кундан буён калла шўрвахўрлик қилаётган бўлса-да, ҳеч қандай натижа чиқмаяпти. Одамлар ҳайрон: нега ревизорлар нуқул Тошкентдаги нефть саноатига қарашли ишчилар таъминоти бошқармасидан келади-ю, ишни резинкадек чўзиб-чўзиб, бирор натижа чиқармай жуфтакни ростлаб қолаверади.

Республика Молия министрлигининг Сурхондарё область контроль-ревизия бошқармасида 30 га яқин малакали ревизорлар ишлаб турибди. Нахотки, Жарқўрғон ОРСида тафтиш ишини шуларга топшириб бўлмаса?!

Қисқаси, Жарқўрғон район партия комитети ва маъмурий органлари Т. Сорокининнинг жиноий ишларини фош этиб, бундай ноқобил раҳбарни савдо системасидан четлатиш ўрнига 23 йилдан бери КПСС аъзоси, Жаббор Каримовни ноҳақ жазолаб, шу билан ҳамма ишни тинчитмоқчи бўлиб турибдилар. Бундай ноҳақликка Сурхондарё область партия комитетидаги раҳбар ўртоқлар нима дейишар экан?

А. ХАЛИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СЎМЛАР ФОЙДАСИ

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Район партия комитети пахтачиликнинг беш омили — ер, сув, ўғит, ирригация-мелиорация ва механизациядан самарали фойдаланиб, кўп ва таннархи арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан пахта етиштиришни таъминлаяпти. Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари С. Тўхлиев иқтисод фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан яқинда унга «Республикада хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилди.

✦ ✦

Биринчи савол: район хўжаликлари ўтган йили қанча даромад олди, давлатга қанча соф фойда келтирди, бу қандай манбалар эвазига бўлди!

— Ўтган йили районимиз бўйича қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлаш планлари барча турлари, сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ҳамда ошириб бажарилди. Шунинг эвазига 31 ярим миллион сўм даромад олинди, даромад олиш плани 130 процент адо этилди. Шу жумладан, пахтачиликдан 27 миллион 200 минг сўм даромад қилдик, чорвачиликдан 3 миллион сўм даромад олдик. Рентабеллик 52 процентга кўтарилди. Ҳар 100 гектар ер хўжаликларга 121 минг сўм даромад келтирди. Умуман районимиз бўйича ўтган йили давлатга 9 миллион 246 минг сўм соф фойда келтирилди. Партия, совет ташкилотлари изчиллик билан амалга ошираётган тадбирлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли бир йилда планда кўзда тутилганидан салкам 10 миллион сўм кўп даромад олишга муваффақ бўлинди.

Ҳалол меҳнат колхозчилар, совхоз ишчилари учун катта даромад келтирмоқда. Ўтган йили пахтачиликда ишлайдиган ҳар бир ходим ҳисобига 9078 сўмлик даромад олинди, бир киши-куннинг қиймати 5 сўм 70 тийинни ташкил этди. Айрим хўжаликларимизда янада юқори кўрсаткичларга эришилди. Колхозларимиз, совхозларимизнинг экономикаси мустаҳкамланиб, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Бу, КПСС XXIV съезди қарорлари изчиллик билан амалга оширилаётганини кўрсатади.

Районимизнинг ер шароити оғир, тупроқ унумдорлиги паст. Чунки сизот сув юза жойлашган, шўр кўп. Партия ва ҳукуматимиз деҳқонларимиз ва чорвадорларимизга оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Кўплаб ўғит, техника воситалари ояпмиз, давлат маблағи ҳисобига катта коллекторлар, зовурлар чиқаришляпти, капитал планировка ишлари бажарилляпти, Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги йўли билангина шу мақсад учун ҳар йили миллион-миллион сўм маблағ сарфланяпти. Пахтадан юқори ҳосил етиштириш, чорва маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш билан кетган ҳаражатнинг ўрни тез қопланяпти, қилинган ишлар фойдага қоляпти. Масалан, ўтган йили районимиз бўйича пландаги 43 минг 400 тонна ўрнига 50 минг тонна пахта тайёрланди.

Чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Тайёрлов пунктларига пландаги 5040 тонна ўрнига 5676 тонна сут, 955 тонна ўрнига 1122 тонна гўшт ермуғон этилди. Пландан ташқари тайёрланган маҳсулот қўшимча даромад манбаи бўлди.

Иккинчи савол: маҳсулот, хусусан, пахта етиштиришни кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, сортини яхшилаш соҳасида эришилган ютуқларни айрим хўжаликлар мисолида қисқача характерлаб берсангиз.

— 3-«Боёвут» совхози пландаги 9.480 тонна ўрнига 12.287 тонна пахта тайёрлади. Сорт юқори бўлди, таннарх бир йилда қариб 20 процент арзонлаштирилди. Сабаби, терим комплекс механизациялаштирилди. Иш куни қисқартирилиши туфайли кўплаб маблағ тежаб қолинди. Бунинг устига меҳнат унумдорлиги кўтарилди, ҳар бир машинанинг мавсумдаги иш унуми 100 тоннадан ошиб кетди. Ҳосил совуқ тушиб, ёғингарчиликлар бошланғунча териб олинди. Натижада сорт юқори бўлди.

1-«Боёвут» совхози давлатга 16.592 тонна пахта топшириб берди, ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерни ташкил этди. План ва мажбуриятини бажармаган бўлим, бригада қолмади. Илғорларни рағбатлантиришда паллапартишликка йўл қўйилмади, мукофот одамларни янги меҳнат зафарига чорловчи манба бўлиб хизмат қилди. Руцский номли совхоз, «Коммунизм» «Ленинизм», Ленин номли колхозларда ҳам иқтисодий кўрсаткичлар кутилганидан зиёд бўлди.

Келтирилган шу мисолларнинг ўзигина районимизда пахтачиликни янада ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш йўли билан пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун катта резервлар борлигини кўрсатмоқда. Илғор пахтакорлар, чорвадорларнинг тажрибаси ҳамма учун намуна мактаби бўлиб хизмат қилади.

Учинчи савол: район меҳнаткашларининг 1973 йилги режалари, дастлабки муваффақиятлар, галдаги вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи босқичи — 1973 йил районимиз партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, меҳнаткашлари учун катта синов йилидир. Районимиз бўйича пахтани 5 минг тонна кўпайтириб, ялпи миқдорни 55 минг тоннага етказамиз. Шунда ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этади. Ҳамма хўжаликларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 6-10 центнер кўтарилади. Лекин бунда ортиқча ишчи кучи, маблағ сарфлашга йўл қўймаймиз, тежамкорликни биринчи ўринга қўямиз.

Районимиз бўйича ялпи ҳосилнинг 36 минг тоннасини машиналарда териб оламиз. Шу мақсадда янги «зангори кема»лар харид қилиняпти, механизатор кадрлар тайёрланяпти. Бироқ эски машиналарни ремонт қилиш йўли билан «умр»ни узайтириш муҳим бурчимиздир.

Районимизда юқори ҳосил усталари кўп. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Решитов, Р. Хидиралиев, У. Абдурашидов, А. Абдуқодиров, У. Эшбеков, Т. Эрбеков, Т. Шокиров, Қ. Корабоев ўртоқлар бошчилик қилаётган пахтачилик бригадаларининг аъзолари ҳосилдорликни 40-45 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар, энг арзон пахта етиштириш уларнинг шиорига айланди. Бу йил юқори ҳосил усталари сафи ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўпаяди. Партия ташкилотлари шуни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

М. Осмонов, М. Раҳмонқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Бозорова, М. Олимжонов, А. Ҳайдаров, С. Оролов ва бошқа ўнлаб миришкор деҳқонлар бошчилик қилаётган бўлимларда ҳам ҳосилдорликни кескин ошириш, дала ишларини комплекс механизациялаш чоралари кўрилмоқда. Нисбатан кам ҳосилли бригадалар, бўлимларни юқори ҳосилли даражасига кўтариш — ялпи пахта миқдорини кўпайтириш, даромадни ошириш, таннархни камайтириш омилидир. Ҳамма хўжаликларимизда иш шу асосда ташкил этилди.

Биз чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтариш тадбирларини кўряпмиз. Шу мақсадда озуқа базаси кенгайтирилляпти, чорва комплекслари қурилляпти, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар машиналар ғарданига ортилляпти. 1973 йилда районимиз бўйича 6.000 тонна сут, 1.280 тонна гўшт, 1 миллион 82 минг дона тухум, 40 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрланиши керак. Ҳар бош сигирдан 2.850 литрдан сут соғиб олиб, ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 400 килограммга етказиб гўштга топширишимиз лозим.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш мақсадида пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этмоқдамиз. 2.700 гектар майдонда эски бедазор бор, янгиси билан қўшиб ҳисобланганда 4.764 гектарни ташкил этади.

Лекин чорвачилик соҳасида ҳали анча камчиликларимиз борлигидан кўз юма олмаймиз. Айрим хўжаликларда сигирлардан сут соғиб олиш талабга жавоб бермайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холбиби Худойбердиева, Меҳри Отабоева, Анна Чурилова, Мария Котова, Хурсан Раймова, Ҳожар Турсунбоева каби сигир соғувчиларимиз ҳар бош сигирдан 4-5 минг литрга етказиб сут соғиб олаётган бир кезда, айрим сигир соғувчиларимиз 2 минг литрлик марраданарига ўта олгаилари йўқ. Ўртадаги бу тенгсизликни тугатишимиз зарур. Маккажўхори ҳосилдорлигини кескин оширишимиз, ёнимиздаги уруғлик тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Районимиз меҳнаткашлари бу камчиликларни партия ташкилотлари бошчилигида тугатадилар. 1973 йилни ҳар қачонгидан юқори кўрсаткичлар билан якунлайдилар.

ЗАФАР сатрлари

ШАҲРИСАБЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётган «Гулистон» колхозининг бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш йиллик топшириғини ошириб бажардилар.

П. ГАДОЕВ.

ЖАРҚУРҒОН. Райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини ўрнинлатишди.

М. ЖАЛИЛОВ.

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Балиқчи райони чорвадорлари гўшт тайёрлаш ярим йиллик калн хўжалик планини областда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 384 тонна гўшт топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 60 тонна кўпдир.

А. ҚУРОНБОЕВ.

ҚУВА. Район чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Қабул пунктига 549,6 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Бу, планда белгиланганидан 56,6 тонна кўпдир.

Б. ҚАЮМОВ.

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Октябрь» колхози бўрдоқибоқарлари 29,5 тонна гўшт сотиб, ярим йиллик планни бажардилар. Шунингдек, колхоз паррандабоқарлари ҳам 35 минг донадан зиёд тухум топшириб, йиллик планни адо этишди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ЎРТОҚ АКМАЛ

ТАҚРИЗ

«Ўзбекистон» нашриёти яқинда Акмал Икромов танланган асарларининг биринчи томини нашр этиб, республикамиз кенг жамоатчилигига тақдим этди[1]. Уч томдан иборат бу «Танланган асарлар» Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти томонидан республика фанлар академиясининг тарих институти билан биргаликда тайёрланди. Унда Акмал Икромовнинг энг қимматли ҳужжатлар мероси материаллари — Туркистон ва Ўзбекистон Компартияси съездлари ва пленумларидаги докладлари, ёшлар, ўқитувчилар олдида, Советларнинг съездларида сўзлаган нутқлари, республика матбуотида эълон қилинган мақолалари жой олган.

Шуни алоҳида ва мамнуният билан таъкидлаш керакки, республикамизнинг икки катта илмий даргоҳи коллективлари қунт билан танлаган материаллари партия ва халқнинг содиқ фарзанди Акмал Икромовнинг ижтимоий ва сиёсий қиёфасини ёркин қайта тиклаб, унинг асарларига хос бўлган тил ва услубни кенг китобхонлар оммасига етказиб бера олганлар.

Биринчи том 1919—1928 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда партия ва халқнинг Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, ёш Туркистон республикасида биринчи социалистик қайта ўзгаришларни амалга ошириш учун каҳрамонона кураш йиллари бўлди. Акмал Икромов 1919—1922 йилларда «Иштирокиюн», («Қизил байроқ») газеталари саҳифаларида эълон қилинган дастлабки мақолалари билан кўз ўнгимизда Коммунистик партиянинг актив пропагандисти сифатида намоён бўлади. У империалистик давлатларнинг Шарқдаги ҳужумлари қанчалик хавфли эканлигини, янги иқтисодий сиёсатнинг моҳиятини ўлка меҳнаткашларига пўнда ва содда қилиб тушунтириб беради.

Ёш, сергайрат, билимдон коммунист Акмал Икромов Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ партия ва совет ишларида масъул лавозимларда хизмат қилди. У 23 ёшидаёқ Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси эди.

Йигирманчи йилларнинг бошлари... Мамлакатимиз тарихида бунчалик қийин, бунчалик масъулиятли даврни бўлмаган. Ёш совет давлати ички ва ташқи контрреволюциянинг асосий кучлари устидан тўла ғалаба қозониб, тинч социалистик қурилишга ўтиш имконияти эга бўлди. Узлуксиз етти йил давом этган уруш натижасида ўлкада ишлаб чиқарувчи кучлар вайрон бўлган, шундок ҳам заиф иқтисодий потенциал ҳалокат ёқасига келиб қолган эди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ва уни амалга ошириш бутун мамлакатдаги сингари жуда катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, айни вақтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга эди. Шунинг учун ҳам республика коммунистик партияси олдида Туркистон республикасининг хўжалик ва маданий ҳаётидан мустамлакачилик ўтмиши давридаги қолоқлик ва саркитларни суриб ташлаш вазифаси турарди. Саноат ўчоқларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, маданий қолоқликка қарши қаттиқ кураш олиб бориш лозим эди. Акмал Икромов Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари сифатида социалистик қурилишнинг ленинча программасини амалга ошириш борасида республика коммунистлари олиб бораётган кўп қиррали ишлар билан банд бўлди. Танланган асарларнинг биринчи томи материаллари ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Акмал Икромовнинг худди шу даврдаги фаолиятини акс эттирган.

Акмал Икромовнинг меросида унинг аграр масалага оид асарлари, мақолалари ва нутқлари катта ўрин олади.

В. И. Ленин, Коммунистик партия миллион-миллион деҳқонлар оммасининг манфаатларини ифодаловчи аграр масалани тўғри ҳал этишга қанчалик катта эътибор берганликлари яхши маълум. Бу — аҳолининг асосий қисми деҳқонлардан иборат бўлган чор Россиясининг собиқ чекка ўлкаларида айниқса ўткир масала эди. Аграр ўзгаришлар соҳасида Совет ҳокимияти амалга оширган муҳим тадбирлардан бири 1925-1929 йиллар ер-сув ислоҳоти бўлиб, Акмал Икромов уни амалга оширишда фаол қатнашди. У ислоҳот бошланиши биланоқ Туркистондаги ер-сув муносабатларини чуқур ўрганиб ва таҳлил қилиб чиқиб, катор муҳим материаллар тайёрлади ва шулар асосида Ўзбекистон КП(б) II қурултойида (1925 йил 27 ноябрь), Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети II пленумида (1926 йил 22 февраль), Ислоҳот ўтказиш бўйича Марказий комиссия олдида (1925 йил 28 сентябрь) нутқ сўзлади. Бу нутқларда революция арафасида ва Совет ҳокимиятининг биринчи аграр тадбирлари амалга оширила бошланган даврда ўзбек қишлоғининг социал иқтисодий ҳаёти чуқур таҳлил қилиб берилди. **«Ер ислоҳотининг бутун маъноси, —деб тушунтириб берди А. Икромов, — унинг ёрдамида Ўзбекистонда социализм қурилиши учун йўл очилиши**[1] (I том, 58-бет).

Акмал Икромовнинг бу асарлари ҳозир ҳам Совет ҳокимиятининг Шарқдаги аграр сиёсатини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биринчи том саҳифалари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини ҳам батафсил очиб беради. Акмал Икромов Ленин ғояларининг софлигини ҳар доим ҳимоя қилиш билан бирга, партиянинг бу борадаги фаолиятига жуда катта эътибор берди.

Акмал Икромов хотин-қизлар масаласини ҳал қилишга ҳам катта эътибор берди. Революциянинг дастлабки кунларидан бошлабок хотин-қизларни озод этиш учун курашни бошқа хўжалик ва сиёсий масалалардан ажратиб бўлмас эди. Шарқ хотин-қизларини озод этиш чор Россиясининг собиқ мустамлака халқларининг амалдаги тенгсизлигини тугатиш борасида Коммунистик партия олиб борган жуда катта ишларининг таркибий қисми бўлди. Акмал Икромов **хотин-қизлар бўлимларининг** биринчи республика кенгашида сўзлаган нутқида республика коммунистик партиясининг хотин-қизлар масаласини ҳал қилишдаги асосий программа моментларини чуқур ва батафсил очиб берди.

Биринчи том материаллари Акмал Икромовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари бўлиб ишлаган пайтидаги кўп қиррали фаолиятига оид кўпгина қизиқарли маълумотлардан иборат. Асардаги материалларнинг ҳаммаси оташин революционер, коммунизм идеаллари тантанаси учун ўз ҳаётини бағишлаган содиқ ленинчи Акмал Икромовнинг образини яққол гавдалантиради.

Р. АМИНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

1). Акмал ИКРОМОВ. Танланган асарлар. I том. «Ўзбекистон» нашриёти. 1972 йил.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

РУМИНИЯДАГИ СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ЗИЁФАТ

БУХАРЕСТ, 24 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқининг Руминиядаги элчиси Ф. И. Дрозденко СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Румния Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия Комитетининг ва Доимий Президиумининг аъзоси, РСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Трофин, РКП Марказий Комитети Ижроия Комитети аъзолигига кандидат РСР мудофаа министри, армия генерали И. Иониця, Румния қуролли кучларининг генераллари ва старший офицерлари, РСР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат чоғида Ф. И. Дрозденко, А. А. Гречко ва И. Иониця қадаҳ кўтардилар.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).



ЮСФР, Белград яқинидаги Рипни шаҳрида жойлашган электр техника заводи трансформаторлари билан машҳур. Суратда: завод цехларидан бирида.

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.

ҚУВОНЧЛИ ҲОЛ

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИНИНГ Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА МАТБУОТИНИНГ ФИКРИ

ВАШИНГТОН, 24 апрель. (ТАСС). Америка матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ сенати савдо комиссияси аъзоларидан бир группаси билан учрашганлигига катта эътибор берди. «Нью-Йорк таймс» газетаси Москвадан олинган хабарни биринчи саҳифасида босиб чиқарди ва сенаторлар учрашув вақтида Совет — Америка муносабатларининг ривожланиши тўғрисида тўлиқ ахборот олганликларидан ва Л. И. Брежневнинг суҳбатни рўй-рост ва самимият билан олиб борганлигидан мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар, деб таъкидлайди. «Нью-Йорк таймс» газетаси сенатор В. Харткенинг шу сўзларини мисол қилиб келтиради: «Л. И. Брежнев — жуда моҳир снёсатчидир. Менинг фикримча, у Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун куч-гайратини сарф қилмоқда. Бунга шак-шубҳа йўқ».

Сенаторлар Совет Иттифоқининг Совет — Америка савдосини «анча ва тез кенгайтиришга интилаётганлиги «ўзларида катта таассурот қолдирганлиги»ни уқтириб ўтдилар. Матбуотнинг ёзишича, сенаторлар Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканлиги ҳақида ва бу алоқаларнинг узоқ даврга мўлжалланган ғоят барқарор бўлишини кўзда тутганлиги ҳақида айтган гапларини қайд қиладилар.

ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ ВА ДУШМАНЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссияси ўзининг 29-сессиясини Токиода ўтказмоқда. Бу сессияда маҳаллий иқтисодий ҳамкорлик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ва бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда. Сессияда сўзга чиққан делегатлар Осиё ва Узоқ Шарқдаги мамлакатларнинг ҳаммаси шу масалаларни ҳал этишда кенг ҳамкорлик қилиши ва бир-бирига ёрдамлашуви зарурлигини қайд қилиб ўтдилар. Жумладан, Филиппин, Лаос, Индонезия ва бошқа давлатларнинг вакиллари ҳам шу мазмунда гапирдилар. Япония бош министри К. Танака сессияни очиб сўзлаган нутқида Япония Осиё ва Узоқ Шарқ давлатлари билан ҳамкорликни ва савдо-сотиқни кенгайтириш ниятида эканлигини айтди.

Совет делегациясининг бошлиги ўзининг нутқида айтдики, СССРнинг шу райондаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари узоқ вақтга мўлжалланган ўзаро манфаатли ва мустаҳкам негизга қурилмоқда, саноатда давлат секторининг етакчи тармоқларини биринчи галда ривожлантириш ва шу мамлакатлар қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлаш мақсадларини кўзламоқда. СССР Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссиясини Осиё ва Узоқ Шарқдаги мамлакатларнинг иқтисодий ҳакорлигига кўмаклашувчи энг ваколатли халқаро ташкилот деб ҳисоблайди.

Шу комиссиянинг нишда биринчи марта қатнашган Хитой делегацияси вакилларининг нуқул ғийбатдан иборат чиқишлари сессиядаги ишчанлик вазиятига путур етказди. Лекин делегатлари ҳозирги вақтда халқаро анжуманларда қилаётган ўзларининг одатларини давом эттириб, бу сафар ҳам ўзларининг асосий зарбаларини Совет Иттифоқининг снёсатига қарши қаратдилар. Осиёдаги давлатларнинг ўз экономикасини юксалтириш ва социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиши Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга ёрдам берган бўлур эди, деб совет вакиллари айтган фикрга Хитой делегацияси айниқса тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга ҳамда бундай коллектив хавфсизлик принципларига яъни давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч қўлланишдан воз кечиш, суверенитетни ва чегараларнинг даҳлсизлигини ҳурматлаш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатли асосда кенг иқтисодий ва бошқа хил ҳамкорлик қилиш принципларига Пекин қарши бўлиб чиқди.

Лекин Пекин вакиллари ҳеч қандай ижобий таклифлар киритганлари йўқ. Уларнинг нутқларидан иборат чиқишлари шу райондаги мамлакатларга бирор ёрдам беришдан дангал бош тортганлари матбуотда қаттиқ кораланди. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссияси аъзоларига Хитой делегацияси томонидан қилинган нутқларона туҳматлар ўйлаб қўйилган жиддий ишга зид бўлиб тушди, деб ёзади Японияда «Жапан таймс» газетаси. Уларнинг бундай туҳматлари жаҳоннинг шу районидаги кўпгина мамлакатлар олдида турган очлик ва қашшоқлик проблемаларини ҳал этиш учун заррача наф етказмайди».

Хитой делегатларининг сессиядаги чиқишлари ривожланаётган мамлакатлар орасига нифоқ солиш, уларнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларига путур етказиш мақсадида Пекин раҳбарларининг уринишларини яна бир марта шармандa қилди. Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга Совет таклифига қарши чиқаётган Пекин раҳбарлари жаҳоннинг шу районидаги блокларнинг янги мустамлакачилик сиёсатини «Советларнинг фитначилигига қарши курашаётирмиз» деган важлар билан оқлашга уринаётган империалистларга Пекин рўй-рост ён босаётганлигини очиқ кўрсатди. Мамлакатда кўп қийинчиликларга дуч келаётган Пекин раҳбарларига кескинликни юмшатиш ва мустаҳкам тинчликдан кўра кескинлик ва гумонсираш вазияти кўпроқ ёқаётганлигини, аммо жаҳоннинг шу районидаги мамлакатлар эса кескинликнинг юмшатилишига ва мустаҳкам тинчликка кўпроқ муҳтож эканлигини мавжуд фактлар яққол кўрсатиб турибди.

А. БИРЮКОВ (ТАСС).

РОЖЕРСНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 апрель. (ТАСС). АҚШ давлат секретари У. Рожерс кеча Нью-Йоркдаги ажнабий матбуот клубида сўзга чиқиб, жумладан, Совет — Америка муносабатларига доир масалаларга тўхтатилиб ўтди. У Қўшма Штатлар «Совет Иттифоқи билан сиёсий соҳада ҳам, шунингдек савдо, фан ва техника соҳасида ҳам муносабатларни яхшилаш» ниятида эканлигини айтди. Рожерс стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида олиб борилган Совет — Америка музокараларининг иккинчи даври бошланганлигидан мамнун эканлигини билдирди.

АҚШ давлат секретари халқаро муносабатлар ривожидаги тенденцияларга тўхталиб «кейинги бир неча йил давомида дунёдаги турли районларда прогрессга эришилганлигини» уқтириб ўтди. Рожерс Қўшма Штатлар «Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб ўтказиладиган кенгашда қатнашади, деб яна маълум қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **ЛОНДОН.** Боливия президенти Уго Бансер, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири Боливия пойтахти Ла-Пасдан, министрлар янги кабинетининг составини эълон қилди. Марио Гутьеррес ташқи ишлар министри, Альфредо Арсе Карпио ички ишлар министри, генерал Флорентино Мендиета мудофаа министри, Луис Бедрегал Родо молия министри қилиб тайинланди.

✦ **ПРАГА.** Чехословакия ҳукуматининг таклифига биноан Монголия Ҳалқ Республикаси ташқи ишлар министри Л. Ринчин расмий визит билан Прагага келди. Хурматли меҳмонни аэродромда ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупен кутиб олди.

✦ **ВЕНА.** Пасха байрамларининг тўрт куни мобайнида Австриянинг автомобиль йўлларида 500 дан ортиқ бахтсиз ҳодисалар рўй берганлиги қайд қилинди. Бунинг натижасида 24 киши ҳалок бўлди, 850 киши жароҳатланди.

✦ **БОННН.** Ғарбий Германиянинг Гиценхайн округидаги Виллингсхаузен шаҳарчасида қишлоқ хўжалик ўзаро ёрдам кассасидан 3.000 марка ўғирланган. Жиноятчилар ҳалигача топилмаган.

✦ **БУЭНОС-АЙРЕС.** Боливия банк ишчилари ва страхование компаниялари ходимларидан 5 мингдан кўпроқ киши забастовка эълон қилишди.

✦ **БЕРЛИН.** Дрезденда очилган конференцияда Германия Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи, Венгрия, Польша, Австрия, Голландия ва Германия Федератив Республикаси онколог мутахассисларидан 80 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Конференция тўрт кун давом этади. (ТАСС).

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ—ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ

Москвада Совет Тинчлик фондининг умумий йиғилиши бўлиб ўтганлиги илгари хабар қилинган эди.

Умумий йиғилишда Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан Тинчлик фондига ёрдамлашиш комиссиясининг раиси, СССР халқ артисткаси Сора Эшонтўраева сўзлади. У Тошкент шаҳри медиклари Тинчлик фондига катта ҳисса қўшаётганликларини айтди. Медицина ходимлари шу йилнинг биринчи кварталида шаҳар бўйича тушган бадалларнинг 55 процентини тўлашди. Бу борада маданият ходимлари ҳам медиклардан қолишмаётирлар. Шу йилнинг 9 февралида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида «Самандар» спектакли ўйналиб, спектаклдан тушган маблағ Тинчлик фондига ўтказилди. Машҳур ўзбек давлат «Баҳор» рақс ансамбли 1972 йил охирида ўз концертларидан тушган маблағни Тинчлик фондига ҳадя этди.

Май ойида Тошкент шаҳрида Тинчлик фондига ёрдам кўрсатиш комиссиялари ва жамоатчилик вакилларининг республика семинари ўтказилади. Бу семинар Совет Тинчлик фондига ёрдам ишига кенг халқ оммасини жалб этиш шубҳасиз.

Совет Тинчлик фондининг умумий йиғилишида шу нарса алоҳида таъкидландики, жамоатчиликнинг тинчлик учун курашида шу йил октябрь ойида Москвада чақириладиган тинчликсевар кучларнинг жаҳон Конгресси муҳим воқеа бўлади. Йиғилиш иштирокчилари бўлажак Конгрессининг ишига муваффақият тиладилар.

Е. КОРЕНЕВСКАЯ.

«ҒУНЧА»—ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳузурида «Ғунча» ансамбли ташкил этилган бўлиб, унга Жуманиёз Собиров бошчилик қиляпти. Ансамбль ҳали жуда ёш. У ўзининг дастлабки фаолиятини Қарши чўлини ўзлаштираётган азаматларга хизмат кўрсатишдан бошлади.

«Ғунча» коллективи 10 кун давомида Қарши магистрал канали, Ульянов номли канал трассалари бўйлаб чўл забткорларига йигирмадан ортиқ концертлар қўйиб берди, томошалар кўрсатди, VI жаҳон ёшлари фестивалининг лауреатлари У. Отажонов ва О. Ражабов, республикада хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Муҳамедов, ёш ижрочилардан У. Саъдуллаев, Д. Полвонова, рақҳосалардан Ф. Файзуллаева ва бошқа санъаткорларнинг маҳорат билан чиқишлари чўлқуварлар олқишига сазовор бўлди.

Қарши чўлида биринчи ташкил этилган — Чўли Бегимқулов номли 9- совхозда бўлган учрашув айниқса мароқли ва сермазмун ўтди. Ансамбль коллективининг жозибали концерти одамларга завқ-шавқ бахш этди. Концертдан сўнг Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг штатсиз лектори, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими ўртоқ М. Мирсоатов «Қарши чўлида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш» деган темада лекция ўқиди.

Бундай лекциялар ҳамда «Ғунча» ансамблининг концертлари Қарши чўлини ўзлаштираётганлар даврасида ўн кун давомида жаҳ ранглаб турди.

А. АЗЛАРХЎЖАЕВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати.

АҲЛОҚ-ОДОБ МАВЗУИДА

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Камтарлик — инсонга ҳусн, оддий аҳлоқ нормаларидан бири. К. Марксниг қизлари, «Сиз кишилардаги қайси фазилатни кўпроқ қадрлайсиз?», деб сўрашганида, К. Маркс оддийлик деб жавоб берган.

Камтарлик—совет кишилари учун жуда ярашимли, унинг акси — манманлик, кеккайиш эса, совет кишиларига тамоман бегона

Камтар одам ўзининг муваффақиятларига маҳлиё бўлиб кетмайди, ўз ишларига доимо танқидий қарайди, билим ва малакасини ошириш устида тинмай ишлайди. Бу билан кишиларнинг ҳавасини келтиради ва ҳурматига сазовор бўлади.

Мақтанчоқ кишилар эса, кўпинча «қуруқлик» қилишади. Мевасиз дарахтнинг шохи тик ўсади, деган халқ мақоли шундайларга қарата айтилгандир. Ҳақиқатан ҳам, «қуруқ одам» халқ ўртасида яхшилар қаторида тилга олинмайди. Буни ўзи ҳам сезади, сезадию, барибир бетамизлик қилиб, ўзини мақташдан нарига ўтмайди.

Халқимиз ҳамиша камтарликни ардоқлаб, манманликни қоралаб келган. «Камтарга камол, манманга завол», деган мақол бунинг ёрқин ифодасидир.

Камтарлик билан боғлиқ хусусиятлардан бири кишига ҳурматдир. Баъзи одамлар ҳурмат билан ҳушомаднинг фарқига бормайдилар-да, гўё «ҳушомадгўй» деган гапдан қочган бўлиб, ҳурмат қилишни йигиштириб қўядилар. Ҳолбуки, ҳушомадгўйнинг фикри-ёди ўзининг бу ҳулқи орқали бирор нарса ундириш, бирор мансабга кўтарилиш, жуда бўлмаганда битмай турган кичкинагина ишини битириб олиш дардида бўлади. Иззат-ҳурмат эса, бирор нима илинжида эмас, одамгарчилик юзасидан бўлади. Ҳушомад билиниб туради. айниқса - у кимга қилинаётган бўлса. у буни сезиб турса керак. Ҳушомад, баъзан шогирднинг устозга муносабатида ҳам кўринади. Айрим шогирдлар пайт топиб, устозини мақтаб ҳушомадга ўтади. Бу билан ўзининг садоқатини ва ҳурматини намойиш қилмоқчи бўлади. Бу тўғри усулмикан? Устозни ҳурмат қилиш керак, ўрни келганда яхшиликларига миннатдорчилик билдириш ҳам фарз. Лекин бу илтифот, миннатдорчиликлар хушомадгўйликдан нари бўлмоғи даркор. Баъзан мажлисларда хушомадгўйлик бўлиб қолади. Устоз нима дейишини билмай ҳайрон, ҳижолатда индамаса, одамлар «ёқади шекилли» деб ўйлашлари, индаса, гапни бўлиш одобдан эмас. Бу ҳол шогиднинг ғўрлигини кўрсатаркан, устоз жойини топиб шогирдига бу одатхунук эканлигини айтиб қўйишга тўғри келади.

Устоз агар хушомадга маҳлиё бўлаверса, обрўсига путур етади, чунки ҳамма нарсани билсаю, энг оддий аҳлоқ қоидаси—камтарликни унутса, уни устоз дейишга ҳайрон бўлиб қолади киши.

Устоз шогирднинг ишларидан, халққа хизмат қилиб, доим олқишига сазовор бўлиб юришидан завқланади. Етиштирган мевалари мўл ва ширин бўлганида боғбон қандай ҳузур қилса, устоз ҳам бамисоли шундай қувонади.

Баъзи ўртоқлар илмий даражага эга бўлишлари билаёқ муомалани ўзгача, қиёфани бўлакча қилиб, кеккаядилар. Ҳолбуки, даража инсонни бошқача қилмайди, у кишидаги мавжуд ҳолатни расмийлаштириш бўлиб, унга муносиб бўлиб қолиш учун киши яна ўқиш, ўрганиш кераклигини эслатади. Демак, илмий даража ёки унвон берилиши кишидан камтар бўлишни тақозо қилади. Бунга амал қилмаслик, у кишининг ҳали етилмаганидан дарак беради.

Камтарликка намуна сифатида кўп машҳур кишиларимизнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятларидан намуналар кўрсатиб ўтиш мумкин. Шулардан бири ҳақида шуҳрати узоқ-узоқларга кетган улкан совет шоири Ғафур Ғуломнинг камтар-камсуханлигини тилга олмай ўтолмаймиз. Шоир ёшлар ўртасида меҳрибон ака, тенгдошлар орасида самимий дўст, ўртоқ, қариялар даврасида эса, дилдор суҳбатчи. Уни бир кўрган киши яна кўргиси келар, суҳбатида бўлганлар соғиниб яна кутарди. Унинг топиб айтган доно гапларига киши тўймас эди. У иштирок этган мажлис ва маросимлар, тўй бўлсин, жуда файзли ўтарди. Унинг уйи каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек очиқ бўлган, чунки унинг кўнгли шундай эди. Ғафур Ғулом доноликда қолишмас, камтарликда кам эмас эди.

Баъзи кишилар ўзларини атайин камтар кўрсатишга уринадилар. Кичик ва катта йиғилишларда олдинроқда бўш жой бўлгани ҳолда ёки ўринлари олдинроқдалигини била туриб, пойгакда тиқилиб ўтириб ола дилар-да, одамларни ўзларига қаратиб, камтарлик таассуроти қолдирмоқчи бўладилар. Шу билан бирга, «Қани, олдинга ўтинг!» деган таклиф айтилишини кутиб турадилар. Бу камтарлик эмас, балки иззат талаб қилиш, мақтанчоқликнинг бир усулидир.

Камтар одам қилган ёрдамини гапириб, мақтаниб юрмайди, уни бошқалар айта беришини ҳам ёқтирмайди. Киши кишига ёрдам, яхшилик қилар экан, у сидқидилдан ва беминнат бўлиши керак. Миннат қилдими, қилган ёрдами ҳақидаги яхши таассуротни йўққа чиқариб юборади. «Меҳнат қилдинг хўб қилдинг, миннат қилдинг йўқ қилдинг», деган халқ мақоли шундай ҳолларни назарда тутиб айтилгандир.

Камтар одам ўз фазилатлари ва хизматлари ҳақида, улар қанчалик кўп ва катта бўлмасин, мақтаниб гапирмайди. Ишлари яхши борганда кеккайиб, қийинчилик дуч келганда муккайиб кетмайди. У ўз қадрини билгани ҳолда, ўзгани ҳам қадрлайди. «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», мақолини эсда тутади.

Киши ўзининг муомаласи ва иши билан камтар бўлиб қолмай, ташқи қиёфаси, кийиниши билан ҳам камтар бўлиши керак. У оддий ва озода кийинади, ҳамма вақт ораста юради, ясан-тусанларга, олифтагарчиликка берилмайди.

Ўзида бир камчилик содир бўлиб қолганда узр сўраш ҳам камтарлик аломати, бу билан киши камиб қолмайди, балки дид-фаросатли ва маданиятли эканлигини кўрсатади.

Камтарлик — ҳар нарсага қўна бериш, ён бериш ёки бирор кимса юзига оёқ тирагудек бўлса жим тура бериш эмас, у жасоратли ва принципал бўлишни тақозо қилади.

Камтар одамнинг камтарлигини суиистеъмол қилиш одобдан эмас. Бундай фазилатни менсимовчи, оёқости қилувчиларнинг кўзини очиб, манманликка барҳам бериш керак.

Камсуханлик, камтарлик каби ажойиб хусуснятларга интилиш совет кишиларига хос ажойиб фазилатдир.

Юсуф СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Литвалик цирк усталарининг чиқишлари тошкентлик томошабинларга ёқиб қолди. «Вильнюс» цирки нинг қизиқчиси К. Левкопулонинг (юқоридан) ичакузди кулгилари, паҳлавон Валентинас Динулиснинг чақиқон тош кўтаришлари, акробатика усталари Тетерининларнинг нафосатли ўйинлари томошабинларни мафтун этмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ПОЗНАНДАГИ ВИСТАВКАГА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги республиканинг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари намуналарини Познанга, июнь ойида очиладиган халқаро виставкага жўнатди. Бу маҳсулотлар виставканинг совет павильонидаги «Ўзбекистон ССР» бўлимидан жой олади.

Виставка учун пахтанинг бир мунча истиқболли, вилтга чидамли ҳамда юқори ҳосилли «Тошкент» ва бошқа навлари туплари танлаб олинди. Бухоро қорақўлчилик заводи ихтисослаштирилган хўжаликларнинг фермаларида олинган турли хил рангдаги қорақўл териларнинг бир туркумини юборди. Пиллачилар ҳам Познанда ўз ишларини намойиш қиладилар. Урта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институтида етиштирилган ипак қурти энг яхши наслларининг пилласи — уларнинг экспонатлари бўлади. Қоқи меваларнинг жуда кўп хиллари ҳам виставкага юборилади.

Дамашқда очиладиган бошқа бир халқаро виставка учун ҳам экспонатлар тайёрланмоқда. Экспонатларни «Узбекбирлашув» мўйна овчилиги ходимлари танлаб олмоқдалар. Кооператорлар республикада ривожланиб бораётган мўйначилик маҳсулотларини — ондатра, қора қўзан, нутрия мўйналарини намойиш қиладилар.

(ЎзТАГ).

БАҲОР ГУЛЛАРИ. А. Тўраев фотоэтюди.

НОДИР ҚЎЛЁЗМА

СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган ўн минг қўлёзма каталоги тузилди. Бухоро, Самарқанд, Бағдод, Дамашқ, Исфахон ва бошқа маданият марказида яшаган олимлар, ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилган бу қўлёзмалар қиймматли бойлик сифатида сақланмоқда.

Улар орасида 1300 йил муқаддам ёзилган шеърлар, медицина, фалсафа, математика, астрономия, географияга оид, тарихий хроникалардан иборат турли жанрларда ёзилган асарлар ҳам бор. Каталог филология фанлари кандидати А. Холидов раҳбарлигида тузилди.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҚАДИМИЙ ТОШ

Қирғизистон табиатни қўриқлаш республика жамияти қиймматли полеонтологик ёдгорлик — вебер палахса тошини ўз паноҳига олди. Бу тош Ўш области тоғ этакларидадир.

...Бу ерда ярим миллиард йил аввал денгиз тўлқинлари қояларга келиб урилган. Ҳозирги қирол аждодлари—археоциатлар тошларга келиб ёпишиб, вино қадаҳи шаклида ўсиб борган. Сув қўқатлари орасида чиғаноқсизлар трилобитлар галаси ғужғон урган.

Вебер палахсасидан олинган оҳактош намуналарида кембрий даврига мансуб трилобит излари яққол кўриниб турибди. Таниқли совет олими В. Н. Вебер асримизнинг 20-йилларида мана шу ерда трилобит изларини топганди.

Бу топилдиқ Тянь-шань тоғ тизмаларининг «склети» палеозой даврига мансуб тоғ жинсларидан бунёд бўлган деган хулоса чиқаришда муҳим бўғин бўлди. Мана шулар геологларнинг фойдали қазилма излаш мақсад ва тактикаларини белгилаб берди.

И. ЧАЙКОВСКИЙ,
(ТАСС мухбири).
Фрунзе.

ЎСИМЛИККА ҚАНЧА СУВ КЕРАК?

Ўсимликлар сувга ўч бўлади. Масалан, бир туп терак фақат бир мавсумда ўртача 7 минг литр сув ичади. Бир туп маккажўхори ўсиш ва ривожланиш даврида ўзидан 200 литр сув ўтказади. Бир бош карам бир кеча-кундузда бир килограмм, бўғдойнинг бир пояси эса — 50 граммгача намликни ўтказади.

Ўсимликларга нима учун шунча сув керак, деган савол туғилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, углеводларнинг синтез қилиниши-га ёки бошқача қилиб таърифлаганда уларнинг ҳазм бўлишига сувнинг мингдан бир қисмигина кераклидир, холос. Ўсимликларнинг сувга шу қадар «чанқоқ»лиги, даставвал, уларнинг тупроқдан юқоридаги поялари, барглари, шохлари ва бошқа қисмларининг ўзидаги намни буғга айлантириб чиқариб юборишидадир.

Шу нарса аниқланганки, ўсимликнинг бир дона барги бир кеча кундузда шу ўсимликнинг барча қисмлари таркибидаги сувдан ҳам кўп сув талаб қилади. Чунончи, картошка устки қатламидаги поясининг ҳар бир граммига бир кеча-кундузда 0,46 грамм, нўхат — 0,76 грамм, буғдой — 1,30 грамм, арпа—1,67 грамм сув сарфлайди. Бир центнер қанд лавлаги етиштириш учун 10 центнер, бир центнер картошка етиштириш учун 20 центнер ва 100 килограмм сули етиштиришга 100 центнер сув керак бўлади.

(«Наука и жизнь» журналидан).

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ЕШ ФИГУРАЧИЛАР МАКТАБИДА

МУЗ УСТИДА РАҚС

Мухлисларнинг севимли манзилгоҳига айланиб қолган «Юбилей» спорт саройнга бу сафар фигурали учиш иштиёқмандлари тўпланишди. Улар тошкентлик ёш фигурачиларнинг нималарни ўргзнишганини яна бир бор кўргани келишган.

«Тошкент қонқиси» деб ном олган фигурачилар мусобақасига мамлакатимизнинг ўн шаҳридан меҳмонлар ташриф буюришди. Томошабинлар Олмаота, Воронеж, Қозон, Уфа, Тюмень, Новосибирск, Омск, Оренбург, Киров ва тошкентликларнинг чиқишларини кўришга муяссар бўлдилар. Мусобақалар мажбурий, спорт рақси, эркин ва жуфт бўлиб ўйнаш программалари бўйича ўтказилди.

Тошкентлик тренер Владимир Цойдан болаларнинг ҳаракатларини шарҳлаб беришни сўрадик.

— Бу йигитча, — дейди тренер, — ўқувчимиз Сергей Попов. Сергей ўтган йилги мусобақада учинчи ўсмирлар разряди бўйича майдонга тушганди. Унинг ўткир зеҳни ва қобилияти йил давомида разрядини яна иккитага ошириш имконини берди. Назаримда у бугун бироз ҳаяжонланяпти.

Эркин программа бўйича, шунингдек, тошкентлик фигурачилардан Равшан Жалолов, Нодир Қурбонов, Динора Муҳамедова, Дилорам Иброҳимова чиройли ҳаракатлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Қозонлик мастерликка номзод Эльвира Мазитова энг юқори баҳо олишга эришди. Мусобақада фигурачиларимиз Марина Кушнарева жиддий имтиҳондан ўтди. У мастерликка номзодлар орасида мусобақалашди.

Ўз разрядига кўра Равшан Тошмуҳамедов биринчи бўлди. Қизлардан пешқадамликни олиш воронежлик Татьяна Белянка насиб қилди. Тошкентлик Муслим Сатторов билан Умида Каримова учинчи ўринни эгаллашди. Умумкоманда ҳисобида жами 65 очко тўплаган воронежликлар ғолиб чиқишди. Тошкент командаси 60 очко билан иккинчи ўринни олди. Омсклиларга учинчи ўрин берилди.

Томошабинлар ёш фигурачиларимизнинг анча мураккаб машқларни ҳам бажара оладиган бўлиб қолганликларидан мамнун бўлишди.

Ҳ. НОСИРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУҒУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 —Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 —Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 19.40 — Миллионлар ленинча университети. 20.10 — «Ахборот». 20.25 — Ўн минут мусиқа. 20.35 — «Ахборот». 20.55 — Шеърият мухлисларига. 21.05 — Мирзачўл — мардлар маскани 21.35 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. 23.10 — Кино усталари. Л. Гайдай. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Телефильм. 11.30 — Ўқувкўрсатувлари. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Спорт кўрсатуви. 20.10 — МОСКВА. Телефильм. 20.30 —Аноранг билакузук (бадиий фильм). 22.00 — Инсон ва қонун (Тошкент). 22.30 — Хоккей: «ДИНАМО» — ЦСКА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Казаклар (бадиий фильм). 20.45 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/IV да — **Ревизор.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 26/IV да **Йўқолган узук;**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да — **Ўжарлар** (билетлар сотилган);

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Вильнюс» Литва цирки артистларининг гастролларн.**

КИНО

Севги ва ўлим — «ЧАНКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун);

Кўзгу — «ВОСТОК» (тоқ соатларда) ,«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кеч соат 7, 9 да);

Олимпия машъали — «ҚОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7.30 минутда).

Пётр Рябинкин — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Митти қайиқча — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун);

Севги халқаси — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун);

Бомбайлик куёв — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4, 5, кеч соат 8 да).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12.30, 5, кеч соат 9 да);

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
29, 30 апрелда
Баҳор байрам тароналари
КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Сонб Ҳўжаев, Турсуной Жаъфарова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат Шамаева, Вилоят Оқилова, Қизлархон Дўстмуҳамедова;

Бутуниттифоқ санъатчилар конкурсининг дипломантлари: Дилафруз Жабборова, Қодир Мўминов;

СОЛИСТЛАР: Фахриддин Умаров, Бахтиёр Холҳўжаев, Илёс Маллаев, Ғуломжон Ғофуров, Абдуллажон Ғофуров, Назира Шералиева, Рашида Раҳимова, Хотам Ҳожиев, Роза Какуриева.

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ансамблининг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким Нишонов.

ПРОГРАММАНИ — **Уткир Сиддиқов олиб боради.**

Концерт кеч соат 7 да бошланади.

Билетлар «Юбилей» спорт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг лауреати вокал-музикали хореографик «Лазги» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулсара Ёқубова, Коммуна Исмоилова;**

Олтинчи Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати — Отамурод Ҳоқиев;

СОЛИСТЛАР: **Мовжуда Бахриева, Нурмаҳон Сатторова, Ортиқ Отажонов.**

Ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти: Гавҳар Раҳимова.

ПРОГРАММАДА:

Ўзбек халқ ашула, рақслари, достонлардан парчалар ва совет композиторларининг асарлари.

Концерт кеч соат 7 да бошланади.

Билетлар «Юбилей» кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

аспирантурага
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СССР медицина фанлари академиясида тайёрлаш учун онкология ва радиология бўйича:

клиник ординатурага: онкология (2 ўрин) ва радиология;

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чигатой кўчаси, 383-уй.

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича
1973 ЙИЛ УЧУН
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги: акушерлик, гинекология;

сиртқи: онкология, анестезиология ва реаниматология, урология, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш (2 ўрин);

клиник ординатура: анестезиология, юқумли касалликлар, онкология, болалар юқумли касалликлари.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой;

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700007, Тошкент шаҳар, Генерал Петров кўчаси, 51- уй.

САНОАТ КОМБИНАТИГА
(Қуйбишев шоссеси, 23/35 -уй)

ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари, хавфсизлик техникаси бўйича инженер, темир-бетон буюмлари цехининг механиги, қозон цехининг операторлари, бетончилар, арматурачилар, металл бўйича слесарлар, ёғоч ишлаш бўйича станокчилар, башняли, кўприкли кран машинистлари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй —Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

«ЎЗКОММУНТЕПЛОЭНЕРГО» БОШҚАРМАСИНИНГ

районлар ва сувни химиявий тозалаш бўлимига: бўлим бошлиғи, катта инженер-химик, сувни химиявий тозалаш бўйича инженер;

техника комплектлаш бўлимига: бўлим бошлиғининг ўринбосари, катта экономист, контроль ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш бўйича инженер;

ишга тушириш-созлаш группасига: иссиқлик тармоқлари қозон ускуналарини маркаэлаштирилган ремонт қилиш бошлиғи, ускуналарни ремонт қилиш ва созлаш бўйича катта мастерлар (2);

қозон цехлари ва иссиқлик тармоқларининг тепломеханик ускуналари режими бўйича группага: группа бошлиғи, иссиқлик тармоқлари режими бўйича катта мастер;

омбор мудири, катта бухгалтер-ревизор, 5-разрядли слесарь-электрик, 6-разрядли газ пайвандчи, юк ташувчи

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг коллективи, Ўзбекконцерт ва Ўзбек давлат эстрадасининг бирлашган дирекцияси, М. Қориёқубов номидаги филармония, «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли Ўзбекистон ССР маданият министри А. М. Қўчқорова онаси

Нурихон МАРАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б.—98. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02377.